

1	Масъул бора...	06.12.2022 йил
2
3

Мархамат туман МТБ га қарашли 3-МТТга қуёш панели сотиб олиш ва ўрнатиш

4
5
6
7
8
9
10
11
12
13
14
15
16
17
18
19
20
21
22
23
24
25
26
27
28
29
30
31
32
33
34
35
36
37
38
39
40
41
42
43
44
45
46
47
48
49
50

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий қоидалар**
 - 1.1 Ушбу харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ–684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
 - 1.2 Бошланғич нархи ва валюта харид қилиш ҳужжатларининг энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотида кўрсатилган. Таклифда кўрсатилган нархлар бошланғич нархидан ошмаслиги керак.
 - 1.3 Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ махсус ахборот порталида эълонида келтирилган.
- 2 Ташкилотчилари**
 - 2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш) Пешку туман ҳокимлиги молия бўлими (бундан буён – Буюртмачи) ҳисобланади.
Буюртмачининг юридик манзили: Пешку туман Янгибозор МФЙ Амир Темур кўчаси .

- 3 Танлаш иштирокчилари**
- 3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларида қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу ҳужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш ҳужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.
- 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак.
- 4 Танлашни ўтказиш тартиби**
- 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт.
- 4.2 Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:
- зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
 - қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
 - буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
 - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
 - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сонли ва 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сонли, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 0102/1922, 7/4-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2020 йил 12 октябрда 2467-3-сон билан ўзгартириш ва қўшимча қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат бўйича имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамлари бўлган;
 - харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган;
 - таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.
- 4.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид

қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирорбир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;

- иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

5 Танлаш тили, ўлчов бирликлари

5.1 Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофикликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қилади.

5.2 Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.

6 Таклиф ва уни расмийлаштириш тартиби

6.1 Махсус ахборот порталида (бундан буён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича таклифни электрон шаклда юборадилар.

6.2 Танлаш иштирокчиси:

- тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир;
- фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли; - тақдим этилган таклифни бундай таклифларни

тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

6.3 Таклиф ва барча ҳужжатлар электрон шаклда

МАПга тақдим этилади.

6.4 Таклиф МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан

лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.

6.5 Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати

таклифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида **30 кун** бўлиши керак.

7 Таклиф тақдим муддатини

7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш узайтириш

иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

8 Харид қилиш 8.1 Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш **ҳужжатларига** ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида **ўзгартиришлар** қарор қабул қилишга ҳақли.

киритиш

Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.

Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. **9 Таклифларни** 9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб **кўриб чиқиш ва** чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати **баҳолаш мезонлари** тугаганидан бошлаб ўн иш куни мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.

9.2 Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.

9.3 Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакллари харид қилиш ҳужжатларининг **1-иловасида** кўрсатилган.. **9.4**

Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.

9.5 Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.

9.6 Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.

9.7 Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.

9.8 Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган

тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.

9.9 Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари махсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.

10 Танлаш ғолибини аниқлаш

- 9.10 Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.
- 9.12 Хорижий ва маҳаллий Танлов иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошланғич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинган ҳолда ҳам қайта ҳисоблаб чиқилади.

- 10.1 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 10.2 Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнида танлаш иштирокчиларидан эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид

комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

- 10.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш ҳуқуқига эга.

- 11 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиниши**
- 11.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган махфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклини ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.
- 11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.
- 11.3 Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.
- 12 Бошқа шартлар**
- 12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.
- 12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳуқуқига эга.
- 12.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг **2-иловасида** келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 12.4 Танлаш қуйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин: - танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; - агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
- 12.5 Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини эълон қилади.

13 Шартнома тузиш

- 13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади.
- Шу билан бирга, харид қилиш ҳужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси **яқуний эмас** ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш ҳужжатларига зид бўлмаган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 13.2 Харид комиссиясининг қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида харид комиссиясининг қарори тўғрисида ёзма хабарнома юборилади. Буюртмачи ва танлов ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан **10 (ўн) иш куни** ичида шартнома тузишлари лозим.
- 13.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
- 13.4 Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
Илова

Таклиф ҳужжатлари РЎЙХАТИ

1. Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар (1-шакл).
2. Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи қафолат хати (2-шакл).
3. Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза (3-шакл).
4. Ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот (4-шакл).

5. Таклифнинг техник қисми (5-шакл).
6. Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари тўғрисида маълумот (6шакл).

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

1-шакл

Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхат ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	Таъсисчилар ҳақида маълумот	<i>(тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиши зарур)</i>

(ваколатли шахснинг имзоси)

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

(ваколатли шахсинг Ф.И.Ш.ва лавозими)

М.Ў.

Сана: «_____» _____ 2022 й.

2-шакл

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан _____ компанияси:

(компания номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини; 5) имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки худудларда рўйхатдан ўтмаганлиги ва ушбу худудларда рўйхатдан ўтган

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

банкларда ҳисоб рақамларига эга эмаслигини; б) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

3-шакл

Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича АРИЗА

Ушбу хат билан _____ компанияси:

(компания номи)

1) 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини олганлигини;

2) Ҳар қандай ҳозирги ёки аввалги мансабдор шахсга ёки Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ходимига ишга ёллаш тўғрисида ёки бирорта ҳатти-ҳаракатни амалга оширишга таъсир кўрсатиш, давлат харидлари жараёнида Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини қўллаш ёки қарор қабул қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш ёки

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

тўғрисидаги таклиф, ҳар қандай шаклдаги рағбатлантирувни бевосита ёки билвосита таклиф қилмаслик ва бермаслик мажбуриятини ўзига олганлигини;

3) Коррупцияга қарши ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигига, шу жумладан аффилланганлик ҳолатлари аниқланганда;

4) Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлик алоқаларига эга эмаслигини;

5) Нархларни ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;

6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

7) сохта ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этмаслигини, ушбу лотда иштирок этган аффилланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

4-

шакл

Ўхшаш товарни (ишлар, хизматлар)* етказиб бериш тажрибаси тўғрисида

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: _____ Сана: _____

Харид комиссияси

маълумотлар

№	Товар (ишлар, хизматлар) моҳиятининг номи	Буюртмачининг номи	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

(ваколатли шахснинг имзоси)

ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими

Муҳр ўрни

*** Ўхшаш товарни (ишлар, хизматлар) - ўзининг функционал мақсади, қўлланилиши, сифати ва техник хусусиятлари бўйича бошқа товар (ишлар, хизматлар) билан тўлиқ бир хил бўлган ёки бундай бир хил товар (ишлар, хизматлар) бўлмаган тақдирда, бошқа товарга (ишлар, хизматлар) яқин бўлган товар (ишлар, хизматлар).**

ТЕХНИК ТАКЛИФ _____

(танлаш предмети кўрсатилади)

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

_____ учун харид қилиш ҳужжатларини ва _-сонли мурожаатларга ёзма жавобларни (ёзма сўровлар рақамларини ва уларга жавоб мавжуд бўлса, уларга жавоблар рақамларини кўрсатиш) ўрганиб, ушбу билан уларни олганлигимизни тасдиқлаб, биз, қуйида имзолловчилар (танлаш иштирокчисининг тўлиқ номи),

_____ (товарлар, ишлар ва хизматлар номини кўрсатинг) таклиф қиламиз.

Ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизмат кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Ушбу таклифнинг қоидаларига ушбу лот учун харид қилиш ҳужжатларининг 6.5бандига мувофиқ риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу харид таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, биз Сизга _____ варақларда биз таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) учун техник параметрларни юборамиз*. _____

(ваколатли шахснинг имзоси)

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

Муҳр ўрни

**Буюртмачининг техник талаблари билан таққослаш учун техник тавсифларни тақдим этиш бўйича мажбурий талаб.*

6-

шакл

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

(танлаш моҳияти кўрсатилади)

Сана: *(таклифларни бериш санаси ёзилади)*.

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачининг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиламиз *(товарлар (ишлар, хизматлар))* номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари _____;

Тўлов муддатлари _____;

Товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартлари _____;

Етказиб бериш муддатлари _____;

Кафолат шартлари _____.

Сана: «___» _____ 2022 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

**Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари
қоидалари маълумоти сўров шакли**

Иштирокчи ташиқлот бланкида (агар мавжуд бўлса)

Танлашни ўтказиш бўйича харид
комиссияси

Сайтга [МАП ёки расмий сайт] жойлаштирилган, харид қилиш ҳужжатиغا аниқлик киритилишини сўраймиз [товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, бюджет буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш]:

№ т/р	Харид қилиш ҳужжатлари бўлими	Харид қилиш ҳужжатиغا аниқлик киритиш керак бўлган банд	Харид қилиш ҳужжатиغا аниқлик киритиш учун сўров мазмуни
1	2	3	4

Ушбу сўров бўйича маълумотларни кўрсатилган манзилга юборинг
[почта адреси, электрон почта манзили, факс рақами]

[сана, ой, йил]

[Сўровга имзо қўйган масъул шахсинг исми] [имзо]

[И. Ш. О.] М.Ў.